



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги наشري

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 26 июнь 25 (305) • Сотувда нархи эркин

• Таклиф

## ИҚТИСОДЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ...

Бозор иқтисодиёти иқтисодчиларга даромадларни кўпайтириш, пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, меҳнатга муносиб иш ҳақи тўлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби зарур вазифаларни юклармоқда. Бундай шароитда иқтисодчи чуқур иқтисодий билимга эга бўлиши, сезгирлик билан иқтисодда юз бераётган ўзгаришларни аниқ билиши, почта алоқаси иқтисодини тўғри олиб бориши, маркетинг асосларини ўзлаштириши ҳаётини зарурат бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда иқтисодчи жуда муҳим масалаларни ҳал қилувчи мутахассис ҳисобланади. Айни пайтда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш биргина иқтисодчи зиммасидаги вазифа бўлибгина қолмай, балки республика почта алоқасининг иқтисод соҳасида ишлаётган барча ходимларига ҳам тегишлидир. Иқтисодчи сифатида мен муаммоларни уч боқинча бўлиб ҳал этишни таклиф қиламан.

Биринчи гуруҳга тегишли вазифалар «Ўзбекистон почтаси» ДАК иқтисодчи-ҳодимларига тегишли. Улар қуйидагилардир:

1. Почта алоқаси иқтисодида тегишли меъёрий ҳужжатлар тақомиллаштирилиб, жадваллаштирилса;
2. Иқтисод соҳасига тегишли ҳисоб ва ҳисобот шакллари бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилса. Бунда ҳисоб ва ҳисоботлардаги қайтарикларга барҳам берилса;
3. Почта алоқаси иқтисоди соҳасида чет давлатлардаги илгор тажрибалар изчиллик билан татбиқ этиб борилса;
4. Почта корхоналарининг иқтисод соҳасидаги ютуқлари оммалаштирилса;
5. Почта иқтисодчиларининг малакасини ошириш изчил амалга оширилса.

Иккинчи гуруҳга тегишли ечимини кутаётган муаммолар қуйидагилардан иборат. Булар вилоят марказларидаги ҳиссдорлик жамиятлари иқтисодчилари олдида қўйиладиган вазифалардир.

1. Ҳар чорак якуни бўйича

ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодининг молиявий аҳволи, рентабеллилик даражаси ва бошқа қатор иқтисодий кўрсаткичлари муттасил таҳлил қилиб борилса, шу таҳлил асосида янги вазифалар белгилаб қўйилса. Агар қайси бир корхона ижобий натижага эришган бўлса, унинг тажрибалари оммалаштириб борилса. Камчиликлар, муаммолар тегишли ташкилотларга ҳал қилиш мақсадида ўз вақтида тавсия этилса;

2. Маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда янги хизмат турларини ҳаётга татбиқ қилиш изчиллик билан амалга ошириб борилса;

3. Филиал иқтисодчилари орасида махсус семинарлар ташкил қилинса, бунда иқтисод соҳасидаги янгиликлар оммалаштирилса.

Учинчи гуруҳга тегишли муаммолар, ҳиссдорлик жамиятларининг шаҳар ва туман филиаллари, иқтисодчилари олдидаги вазифалардир:

1. Почта хизматининг даромадлари ҳақида тўғри ва аниқ башорат (прогноз) қила билиш, ҳар бир алоқа бўлимининг даромад манбаларини ўрганиб бориш;
2. Ҳар бир чорак якуни бўйича жойлардаги алоқа бўлимининг даромадлари ва иш ҳажмлари таҳлил қилиниб, уларга маслаҳат ва кўрсатмалар берилса;
3. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб бориш учун изчиллик билан чоралар кўрилса;

Бу таклифлар амалга оширишга тадбирларнинг дебоҳасига, ҳолос. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида, сезгирлик ва ҷидам билан изчил ҳал қилиб бориш муваффақият гаворидир. Халқимизга алоқа хизмати кўрсатишда ўз ҳиссасини қўшаётган касбдошларимга омад ёр бўлсин дейман.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ,**  
«Қорақалпоқ почтаси»  
ҳиссдорлик жамиятининг  
Хўжайли филиали  
иқтисодчиси

## МИННАТДОРМИЗ!

Бу йил об-ҳавонинг ёмон келиши, ёнгинарилик кўп бўлиши республика қишлоқ хўжалиги соҳасига анча зарар келтирди, кўпгина хонадонлар сув тошқинлари ва сел остида қолди. 1998 йилнинг 7 июнь кунини ёққан кунли жала оқибатида биз яшаб турган хонадон ҳам зиён кўрди.

Бир неча йилдан бери почта соҳасида меҳнат қилаётганим учун биринчи бўлиб ҳолимиздан «Андижон почтаси» АЖ бош директори К. Пулатов бошчилигидаги вилоят алоқа корхонаси маъмурияти ҳамда «Булоқбоши» почта шохобчаси бошлиғи М. Орзиевлар хабар олиб, ўзларнинг беҳимнат ёрдамларини кўрсатдилар. «Булоқбоши» шохобчасида ишловчи ҳамкасбларим ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериб турибдилар.

Мен алоқа соҳасида ишлаб, шундай қадр топганимдан шукр қиламан ва «Андижон почтаси» АЖ маъмуриятига ҳамда туман алоқачиларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

**А. АҲМЕДОВ,**  
«Андижон почтаси» АЖ,  
Булоқбоши туман шохобчасига қарашли  
Раиш алоқа бўлими бошлиғи



Урганчдаги 6-АТС катта электромеханиги Мунаввара Машарипова соҳада 20 йилдан буюн меҳнат қилиб келмоқда. Унинг жонкуярлиги туфайли носоз телефонларни тўзатиш ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлди.**

• **Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.**

• **Францияда XVI футбол чемпионати ўйинлари қизгин давом этаётган кезларда ўз-**

**бек ва рус тилларида ҳар ойда чиқариладиган янги «Бизнинг футбол» журнали муштарийлар кўлига теғди.**

• **Қирғизистон парламенти 20 майда заҳарли модда олиб кетаётган юк машинасининг Иссиқкўлга тушиб кетиши оқибатида бу ҳудудда юз берган экологик ҳалокатни ўрганиш мақсадида халқаро комиссия тузиш зарурлигини билдирди.**

• **Афғонистонга ташриф билан борган Европа Иттифоқи делегацияси «Толибон» ислом ҳаракати етакчиларини ҳарбий қарама-қаршиликларни тўхтатишга ва музокаралар олиб бо-**

**ришга даъват этди.**

• **Колумбияда бўлиб ўтган мамлакат президентлигига сайловларнинг сўнгги босқичида консерватив блок раҳбари Андрес Пастрана-Ғолиб чиқиб, 2002 йилга қадар мамлакат президенти этиб сайланди.**

• **Хитой ва Ироқ Хитой Халқ Республикасига Эрон нефтини етказиб бериш бўйича йирик шартномани имзолади.**

• **Американинг Флорида штати ўрмонларида айни пайтда ёнгинлар давом этмоқда. Ҳозирга қадар ёнгиндан 27 минг гектар ўрмон ёниб қулга айланди.**

• Расмий жавоб

## ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«ХАВАР» газетасининг 1998 йил 22 май сонида босилган «Назорат самарали бўлсин» мақоласи «Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинди. Мақолада таъкидланган камчилик ҳамда хатоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Жумладан, почта қутиларининг кўриниши, аҳволи, хатларни олиш вақти, эълони, почта индекслари, саноғи бор ёки йўқлиги тафтишдан ўтказилди. Баъзи бир туман почта алоқаси филиалларида почта қутиларининг жойи ўзгаририлиб, аҳоли зичроқ яшайдиган жойларга ўрнатилди. Тафтиш натижасида шаҳар, туман фи-

лиалларидаги 200 дан зиёд почта қутилари тўлиқ таъмирланди. Вилоят ҳудудида жойлашган 1426 донга почта қутилари хат олувчилар ва почтачиларга бириктириб қўйилди.

Хатларни почта қутиларидан йиғиштириб олиш айрим туманларда ҳафтасига 5 марта, айримларида эса 6 марта қилиб белгиланган. Хатларнинг ўтиш назорати вилоят почта алоқаси хизмати бўлими томонидан режалари равишда олиб борилмоқда ва керакли таҳлиллар ўтказилмоқда.

«Фарғона почтаси» акциядорлик жамиятининг почта алоқаси хизмати бўлими пенсия ва нафақалар тўловида ижтимоий таъминот бўлими томонидан

тақдим этилаётган топшириқномаларнинг расмийлаштирилиши, почтачиларга пенсия ва нафақаларни тарқатиш учун берилаётган нақд пуллар меъёрига ҳамда ҳазина юришти қоғдаларига риоя қилиш ҳар бир почта ходимининг биринчи даражали вазифаси эканлиги доимо уқтириб келинмоқда.

Давлат Алоқа Назорати вилоят бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бориб, почта алоқаси соҳасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, хизмат сифатини яхшилаш «Фарғона почтаси» акциядорлик жамиятининг асосий вазифасидир.

**Н.КАРИМОВ,**  
«Фарғона почтаси» АЖ  
директори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАЎБАРЛАРИ, ХОРИЖИЙ ФИРМА, ВАКОЛАТХОНА ВА ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги соҳадаги акционерлик жамиятларининг эркин сотув ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акциялар тақсимини эълон қилади**

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялари соҳасида 23 та акционерлик жамиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг Устав фондида эркин савдога ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акция пакетлари мавжуд. Акционерлик жамиятларидан 7 таси электр алоқаси, 14 таси почта алоқаси, биттаси савдо-воситачилик хизматларини кўрсатадилар ва биттаси алоқа иншоотларини куриш билан шуғулланади.

Бу акционерлик жамиятларининг низоми фонди — 7271193,2 минг сўм бў-

либ, эркин сотувга 664654 минг сўмлик акциялар мўлжалланган ва хорижий инвесторларга сотиш учун эса — 3020411,9 минг сўмлик акциялар ажратилган.

Акциядорлик жамиятлари учун ушбу акцияларни сотиш гоёта муҳим аҳамиятга эга, чунки сотишдан тушган маблағлар корхонани қайта техникавий жиҳозлаш ва ривожлантиришга сарфланади. Булар ўз навбатида алоқа хизмати сифатини янада яхшилашга ва хизматлар турини кўпайтиришга хизмат қилади.

Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги ахборот куйидаги жадвалда келтирилган.

АЖ номи	АЖ манзили ва телефонлари	Низоми фонди минг сўм	Эмиссия проспекти бўйича тақсимот				Сотувдаги тақсимот		
			давлат улуши минг сўм	меҳнат жамоаси улуши минг сўм	эркин сотув улуши минг сўм	хорижий инвесторлар учун улуши минг сўм	эркин сотув улуши минг сўм	хорижий инвесторлар учун улуши минг сўм	Жами минг сўм
«Андижон телеком»	Бобур шох кўчаси, 36, (37422)43530	440885	132257	66128	66128	66128	66128	176342	242470
«Наманган телеком»	А. Раҳимов кўчаси, 57, (35922)62122	528608	158583	79291	79291	211444	79291	211444	290735
«Фарғона телеком»	Мустақиллик кўчаси, 35, (37322)243333	681990	204597	102298	56264	318831	102298	272796	375095
«Сирдарё телеком»	Навоий шох кўчаси, 45, (3672)250929	147932.4	44379,7	23965	20415	59173	20415	59173	79588
«Тошкент телеком»	Миробод кўчаси (эски Т. Шевченко кўчаси), 17, 1339234	616773.7	185032	92516	92517	246709	92517	246710	339226
«Тошкент таксофони»	Х. Абдуллаев кўчаси, 32, 683406	3363	1009	841	673	841	874	-	874
«Тошкент шахар телефон тармоғи»	Миробод кўчаси (эски Т. Шевченко кўчаси), 17, 1335065	4085496	1225649	612824	204274	2042748	204274	2042748	2247022
«Узимпексалоқа»	А. Темур кўчаси, 24, 1363673	29354	8806	7339	5871	7338	5871	7338	13209
«Алоқинвест»	А. Темур кўчаси, 24, 349530	36770.045	11031,5*	9560,38	6986	9192,7	3860,9	3860,9	-
«Хоразм почтаси»	Маҳмудов кўчаси, 23, (36222)67333	50554	37916	5055	7583	-	1517,2	-	1517,2
«Сурхондарё почтаси»	Хўжаев кўчаси, 13, (3762)243331	78142	58607	7814	11721	-	9533	-	9533
«Бухоро прчтаси»	М. Икбол кўчаси, 12, (3652)230442	29585.1	22189	2958	4438	-	4438	-	4438
«Навоий почтаси»	Х. Дўстлиги кўчаси, 3а, (43622)39241	35816	26862	3582	5372	-	5372	-	5372
«Самарқанд почтаси»	М. Улугбек кўчаси, 37(3662) 333861	59759	44819	5976	8964	-	1464	-	1464
«Жиззах почтаси»	Ш. Рашидов майдони, Алоқачилар ўйи, (3722) 235245	21526	16144,5	2152,5	3229	-	3229	-	3229
«Тошкент почтаси»	Фарход кўчаси, 3, 500443	50258	37693	5026	7539	-	7539	-	7539
«Сирдарё почтаси»	Навоий кўчаси, 45, (3772)251652	30939	23204	3094	4641	-	4517	-	4517
«Наманган почтаси»	А. Раҳимов, кўчаси 57, (36922)63311	52934	39701	5293	7940	-	7940	-	7940
«Андижон почтаси»	А. Темур кўчаси, 2 (3742)243843	63257	47443	6926	9488	-	9488	-	9488
«Ўзбекистон маркаси»	Навоий кўчаси, 28-А, 1363648	4400	3300	440	660	-	660	-	660
«Тошкент почтамати»	А. Тўхай кўчаси, 7, 1334749	151775	113831	15177	22767	-	22767	-	22767
«Халқаро тезкор почта»	Туркистон кўчаси, 14, 1333269	2715	2034	272	407	-	407	-	407
«Халқаро почтамати»	Туркистон кўчаси, 14, 1338116	68361	51271	6836	10254	-	10254	-	10254

Соҳадаги акционерлик жамиятлари орасида зарар қўриб ишлаётган корхоналар йўқ, уларнинг махсуддорлик даражаси юқори. Алоқа корхоналарининг акцияларини сотиб олиш — сармога йўналтиришнинг энг ишончли воситасидир. Қўшимча маълумотлар куйидаги ташкилотлардан олиниши мумкин:

— электр алоқаси акционерлик жамиятлари бўйича: «Маҳаллий телеком» АК, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй, тел. 133-42-59;

— почта алоқаси акционерлик жамиятлари бўйича: «Ўзбекистон почтаси» ДАК, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй, тел. 133-47-57.

Акциялар сотилиши бўйича маълумотларни «Алском-Бро» соҳа брокерлик ташкилотидан ҳам олиш мумкин. Унинг манзилгоҳи Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй, тел. 132-07-15, 31-57-05.

**Автоматик электр алоқаси** (9 синфни битирганлар ўзбек ва рус гуруҳларига, 11 синфни битирганлар ўзбек гуруҳининг кундузги ва сиртки бўлимларига)

**Кўпканаллик электр алоқаси** (11 синфни битирганлар ўзбек гуруҳларининг кундузги ва сиртки бўлимларига)

**Туман электр алоқаси** (9 синфни битирганлар ўзбек гуруҳига)

**Линия ва кабел иншоотларини куриш ва уларни ишлатиш** (9 синфни битирганлар ўзбек гуруҳига)

**Почта алоқаси** (11 синфни битирганлар ўзбек гуруҳларининг кундузги ва сиртки бўлимларига)

**Телевизион техника ва радиореа алоқаси** (11 синфни битирганлар ўзбек гуруҳининг кундузги бўлимга)

**Иктисод ва режалаштириш** (11 синфни битир-

### АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИ

**1998/99 ўқув йилига куйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:**

ганлар ўзбек ва рус гуруҳларининг кундузги ва сиртки бўлимларига)

**Бухгалтерлик ҳисоби** (9 синфни битирганлар ўзбек гуруҳига, 11 синфни битирганлар ўзбек ва рус гуруҳларининг кундузги ва сиртки бўлимларига)

Абитуриентлар ўқишга кириш учун куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- ариза;
- маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси,
- 086-у шаклдаги тиббий маълумотнома,
- 3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчилар қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтрасидан кўчирма топширадилар.

Абитуриентлар паспорт, ҳарбий хизматга алоқадор ҳужжатларини қабул хайъатига шахсан кўрсатадилар. 9-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар кириш имтиҳонларини топширадилар.

11-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар тест синовлари топширадилар.

Имтиҳон ва тест синовлари математика (оғзаки), она тили ва адабиёт фанларидан топширилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 25 июлгача (шу кун ҳам) қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 41-35-58 рақамли телефон орқали олиш мумкин.

**Манзилимиз: 700128, Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй.**

Ватан остонадан, ҳовли бўсагадан, оила совчиликдан бошланади. Совчи икки хонадонга қариндошлик ипларини боғлашга даъват этилган кишидир. Совчи камида икки ёки уч-тўрт кишидан иборат бўлиши мумкин. Эрак ва аёл совчилар ҳам бор. Хар икки томон муस्ताқил ҳаракат қилади. Одатда совчилар қайвони, эл орасида обрў-эътиборли, тагли-туғли, оқилу фозил кишилардан танланади. Чунки уларнинг вазифаси оғир, масъулияти. Совчининг гап-сўзи мантиқли, ишонarli, тош босадиган, залворли бўлмоғи лозим.

Совчилар йигитнинг оиласи номидан қизниқига, бўлажак келиниқига элчилик қилиб, унинг қўлини сўраб боришади. Умр савдосининг пишиш-пишмаслиги, аввало, куёв бўлишининг ўзи, ота-онаси, қариндош-уруғи, қолаверса совчиларнинг маҳоратию тажрибасига, кўнгил қулғанда калит сола олишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айни пайтда ўз вазифаларининг бутун масъулиятини бўйнига олган бундай кишилар хар икки оилани, уларнинг фарзандларини яхши билганлар. Билишмаса, сўраб-суриштиришган. Муайян тасаввур ҳосил қилгандан сўнг вазифаларига киришганлар. Бўлмаса, бировнинг гулдек фарзанди умрига зомин бўлиб, бир томонни ўтдай қуйдириб, бир умр ўзга-

лар домонгирлигида яшашни катта гуноҳ деб билишган. Совчилар «қизи борнинг нози бор» деган наҳлағ амал қилиб, келин бўлишникига уч-тўрт марта борадилар. Одатда совчиликдан қайтган мутасаддилар «бўрими ё тулки» дея қарши олинади. Агар улар ишни ўринлатаиб, хушхабар билан қайтишган бўлса, совчилар «бўри» деб

лиши, фотиҳа ўқилиши, ҳолваю патир ушатилиши кўзда тутилиб, шундай дейилади.

Илгари замонларда совчилар қизниқига тўппа-тўғри, дабдурустдан кириб боришни одат қилмаганлар. Аёл совчилардан бири тонг сажардаёқ, ҳали ҳамма уйқуда эканлигида қизниқига бориб, унинг остонасини суғуриб қайтганлар. Эрталаб ту-

Иккинчидан, совчиларнинг танишуви, синов, ўрганув вазифаларини ўзининг яқинлари — ота-оналар, амма-хола, опа-яналар зиммаларига олганлар. Улар келиннинг, келин яқинлари эса куёвнинг аслини, ашурлоду зурёдини, тағ-туғини суриштириб, ўрганиб чиқадилар. Бунинг учун маҳалла, қўни-қўшиларнинг фикри-маслаҳати

ниятининг етук арбоблари даражасига кўтарилганлар.

Дарвоқе, ўз фарзандининг тақдирига бепарво бўлмаган ота-оналар қўпичча совчиларнинг ўзини тутиши, дунёқараш, гап-сўзларига қараб, йигитнинг қандай одамлигини ҳам маълум даражада тасаввур этишган. Учраган одамни совчиликка юбориш яхшимас, ўз қадрини билганлар бу масалага жиддий қараганлар. Оила қуришда энг аввало йигит-қиз масъул бўлса, кейин совчилардир. Шунинг учун баъзи бир совчилар қиз томон рози бўлай-рози бўлай деб турган маҳалда, бирдан фикрлари ўзгариб, ўзларини элчиликка юборган томонга «бу қизнинг улга тўғри келмаслигини» тушунтириб, фикрларидан қайтармоқчи бўладилар. Чунки, улар бир-икки боришдаёқ иккала томоннинг характерларини бир-бирига қоғиштириб бўладилар. Уларнинг фикри инобатга олинмаса, масъулиятни бўйинларидан соқит қиладилар.

Ўйлашмича, бизнинг Шарқ мамлакатларида халқлар яшаб, оила қуриб, фарзанд тарбиялаб, янги авлодларни қовуштириб, никоҳ тўйлари ўтказишаркан, қадимий совчилик одати ҳам сақланиб қолиши керак. Чунки янги оила совчиликдан бошланади.

Маҳмуд САТТОР

## • Боқий удуллар

# СОВЧИЛИК

жавоб қилишади. Бу гал иш пишмаган бўлса, «тулки» дейишади.

Аёл совчилар ҳам қизнинг «остонасини чўқтирадилар». Йигит билан қизниқига бўзининг моқисидек қатнайвериб, қовушларини тўзитадилар. Аёл ва эрак совчиларнинг мақсадлари рўёбга чиққач, ўша заҳотиёқ нон синдирилади. Яъни «нон синдириш» — фотиҳа билан совчилик таомили ўз вазифасини ўтаб бўлади.

...Халимаҳон дейдилар,  
Хўлвасини ейдилар,  
Бўхордан совчи келса,  
Қимматбаҳо дейдилар...

Холва — кўпичча гўдақликдан қиз болага нисбат берилган. Вақт ўтиб, унга совчи ке-

риб бунга қўзи тулган ота-оналар нима воқеа эканлигини аңгашса-да, ўзларини билмаганликка солиб, зимдан тайёргарлик кўра бошлашган. Сўраб келиши эҳтимоли бўлган хонадонларнинг аҳвол-руҳияси билан ҳам киши билмас танишиб олганлар. Шундан сўнг совчиларнинг келишини кута бошлашган. Совчиларнинг биринчи элчиликларидаяёқ ҳеч ким розилик бериб қўявермаган, гарчанд кўнгилларида мойиллик бўлса-да, қизларининг, қолаверса, ўзларининг қад-қимматларини, шаънларини юқори тутишга уринганлар.

Хозирги даврда совчиларнинг иши анча енгиллашган. Аввало ёшларнинг ўзлари танишиб, ота-оналарини кўндириб, ишни пиштиб қўядилар.

катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари, ёшлар учун махсус уюштирилган учрашувлар ҳам катта ўрин тутди. Қиз-йигит бундай учрашувларда танишишаркан, бир-бирларининг феъл-атвори, қизниқиллари, савияларидан юзаки бўлса-да хабардор бўладилар. Шунга қараб умр савдосини ҳал қиладилар.

Совчилик одати тўғрисида яна кўп гаплар айтиш мумкин. Айниқса, қадимги совчилар худди давлат аҳамиятига молик вазифани бажарган элчидай махсус совчилик мактабидан ўтиб, шунга мос иборалар, мақол ва маталлар, сўз ўйинлари, ҳозир жавоблик, сир ва суқут сақлаш, ширинзабонлик, шоирона руҳу олимона мантиқ борасида бе-назир бўлганлар, оила мада-

## АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Шаҳар қозиси Афандини жуда ёмон кўради. Бир куни Афанди иш билан қозиникига борибди. Уйга яқинлашаётганда қози деразадан мўраалабди-ю дарҳол гойиб бўлибди. Афанди эшикни тақиллатибди. Хизматкор чиқиб сўрабди:

- Сенга ким керак?
- Мен қозини кўрмоқчи эдим.

— Хўжайин уйда йўқ, — деб жавоб берибди хизматкор, — у бозорга кетган.

— Ундай бўлса хўжайинингга айтиб қўй, — дебди Афанди — бозорга кетаётганида калласини деразага қўйиб кетмасин, бўлмаса одамлар уни уйда экан деб ўйлашади.

Афандининг олдига саводсиз қўшниси хат олиб чиқиб, ўқиб беришни илтимос қилибди.

— Ўқишни билмайман, — дебди Афанди.

Кўшниси хайрон қолиб, ун-

га бошдан-оёқ тикилибди.

— Ўқишни билмас экансан, бошингдаги катта саллага ба-ло борми?

Афанди дарҳол саллани бошидан олиб, кўшнисига узатибди:

— Гап саллада бўлса, марҳамат, ўзинг ўқий қол!

\*\*\*

Афандини эски, йиртиқ-ямоқ кийимда кўрган таниши уялтира бошлабди.

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ! — дебди Афанди.

— Ахир мени бу ерда ҳеч ким танимайди-ку!

Орадан ўн беш йил ўтгач, Афандининг номи эл оғзига тушибди. Ўша одам Афандини хароб кийимда кўриб, яна койишга тушибди. Бу гал Афанди шундай жавоб берибди:

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ! Ахир мени ҳамма яхши билади-ку!



Уйингга бугдой тўлгурлар, намунча сулув бўлишмаса...

## ВОЖИБ АМАЛЛАР

Вожиб шариятда қилишга буюрилган амаллардир. Уни бажарган кишилар савобга қолади. Бу амалларга кирувчи ҳукмларнинг баъзилари қуйидагилардир:

1. Ваъдага вафо қилиш;
2. Келажакда бирор ишни қиламан деб сўзловчи киши «иншооллоҳ» иборасини қўшиб сўзлаши;
3. Ўзгаларга нисбатан хайрихоҳ бўлиш;
4. Берилган совға ва ҳадяларни қабул этиш;
5. Ҳадяларга яраша ҳадя қайтариш;
6. Яхшилик қилган кишига яхшилик қайтариш;
7. Хафа қилган кишини кечириб, гина сақлашмаслик;
8. Бозорда сотаётган нарчасини айбларини айтиб сотиш;
9. Айбсиз одам гийбат қилинганида уни оқлаб, ҳимоя қилиш.

## ИСПАН МАҚОЛЛАРИ

Нодонга сўз уқтирмақ дашту биебонда фарёд қилмоқ билан барбардир.

\*\*\*

Саховатсиз бой мумсик гадо билан тенгдир.

\*\*\*

Аҳмоққа маслаҳат бермоқ сувни ўғирчада туймоқ билан тенгдир.

\*\*\*

Рост сўздан кишилар зиён кўрмайдилар.

\*\*\*

Ҳам каттадан, ҳам кичикдан маслаҳат ол, вале ўз ақлинг билан иш юрит.

\*\*\*

Нокасларга яхшилик қилмоқ, галвирда сув тўплашга ўхшайди.

## ҲИҚМАТЛАР

Олийҳиммат ва соҳибдавллат шундай кишики, яхши хулқ ва чиройли одат билан катта-ю кичикни ўз муҳаббати домига илантиради, дўстлик уруғини кўнгил ерига экади, азизлар ва улуглар йўлига ибрат кўзи билан боқади, қариндош-уруғлар ҳақини имкони борича адо қилади, дўстлари-

ни қўлидан келганча ҳурматлайди, ўлиб кетган ёру биродарлари авлодини яхшилик билан тақдир этади.

\*\*\*

Бир Ҳақимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узок сафар?»

Жавоб берди: «Садоқатли дўстни қидириш сафари!».

Байт:  
Кидирган нарсани топиш мумкиндр,  
Бироқ содиқ дўстни топмоқ муаммо!

Мўйиниддин  
ЖУВАЙНИЙ

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги  
●  
Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Абдувоҳид Жўрабобов  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой Тўлєбєв  
Ёқубжон Хўҗамберди

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Саидмаҳмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМУҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ  
●  
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0125. 12895 нусхада чоп этилди.  
Оффсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.40 «Тахлилнома». 8.40 «Ўзбектелефилм» намойиш этади. «Хисор кўрхони». Премьера. 9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 9.30 «Омад юдзун». Телеуйин. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Ешлук студияси». «Қулуг қадим». 10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 10.40 Кундузи санас. «Ез ҳижоляри». Бадий фильм. 12.05 «Истиклолим, сени қуйлайман». Концерт. 12.25 «Фермер». Телетанлов. 12.45 «Жаҳон спорти». 12.55 «Эски ҳўрада». Мультфильм. 13.05-14.00 «Хамма кўриши шарт... эмас».

22.25 Киноингоҳ. «Муסיқа наволари». 2-қисм. 23.45 Оханглар ва эълонлар. 23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайри бўлсин! 17.15 Янгиликлар. 6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси курсатувлари. 20.40 «Най». Телефильм. 20.55 Эълонлар. 21.00-21.30 РДТ. «Вести». 21.30 «Пойтахт». Публицистик курсатув. 22.00 Шарҳ киноси: «Мини». Бадий фильм (Туркия). 23.10-23.30 «Ахборот» (рус тилида). 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 18.55 «Сен ҳақидада ва сен учун». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 19.35 «Уйингоҳ». 20.45 «Солик ҳақида сабоқлар». 21.00 «Олтин қали» лотореясининг биринчи тираж ўйналари. 21.15, 22.35 Эълонлар. 21.20 «Муҳаббат тарихи». Телесериял. 22.05 «Медицина — сизлар учун». 22.25 Телефакт. 22.40 «Кувноқ кино». 24.00-00.10 «Хайри тун!».

ЧОРШАНБА, 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Қизил гулнинг бўлаيين». Муסיқий дастур. 9.00 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури. 9.15 «Маърифат маскани». 9.35 «Жаҳон театри». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.30 Абитурientлар, сизлар учун. Она тили. 11.00 «Муштарак кўнгиллар». Кинокурсатув. 11.30 «Ахборот». Тележурнал, сизлар учун. Ўзбекистон тарихи. 12.05 «Якҳо». Мультфильм. 12.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан. 12.55 Кундузи санас. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 1-серия. «Аббат Фариса». 14.10-14.30 «Бармоқлар сўхри». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал. 18.30 «Нўхтай назар». 18.45 Б. Бойқобилов. «Янги Хамса». 19.05 «Адолат». Хуқуқий-публицистик курсатув. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Табии-тарбия миллий дастури — амалда». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўйран бир миллионгача». 1-қисм. 21.25 «Ешлар» телеканал. 1. Сиз ва биз». 2. «Сочининг савдоси тушиди». 22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 24.00 «Ахборот». 00.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеодофилм. 18-қў. 01.05-01.10 Ватан тимиоллари. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари». 18.35 «ХХ аср жиянотлари». Телесериял. 19.05 «Доине Велле» тақдим этади... 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тарона». 20.15 «Билиб қўйган яхши». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Толънома». 21.20 «Сўз хўсида сўз». 21.30 «Вьетнамга мактублар». Телесериял. 22.15 «Даракчи». 22.25 Экранда — кинокомедия. «Майса-ванинг иши». Бадий фильм. 1-серия. 23.25 Оханглар ва эълонлар. 23.30 «Майсарининг иши». Бадий фильм. 2-серия. 00.30 Тунингиз хайри бўлсин! 17.15 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун. «Эртанкима чоршанба». Кинокурсатув. 6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси курсатувлари. 20.40 «Шоҳсупа сари йул». Спорт дастури. 21.00 РДТ. «Вести». 21.30 Эълонлар. 21.30 «Е ҳаёт, ё мамот». Бадий фильм. 23.10-23.35 «Ахборот» (рус тилида). 17.15-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 18.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 19.35 «Уйингоҳ». 20.45 «Солик ҳақида сабоқлар». 21.00 «Олтин қали» лотореясининг биринчи тираж ўйналари. 21.15, 22.35 Эълонлар. 21.20 «Муҳаббат тарихи». Телесериял. 22.05 «Медицина — сизлар учун». 22.25 Телефакт. 22.40 «Кувноқ кино». 24.00-00.10 «Хайри тун!».

ПАЙШАНБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Шўхи дйрабо келур». Муסיқий дастур. 9.10 Биржа ва банк хабарлари. 9.25 О. Эргаш. «Шўрона». Теленовелла. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 Эртаклар — яшилҳика етаклар. Бир сўм қадри. 10.30 Абитурientлар, сизлар учун. Адабиёт. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Абитурientлар, сизлар учун. Математика. 12.05 «Олам ва одам». 12.25 Кундузи санас. «Кичик боланинг қатта ташвиши». Бадий фильм. 13.30-14.00 Ўзбек қуйларидан концерт. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 «Алдар Кўса». Мультфильм. 18.25 «Хўнарманда». Тележурнал. 18.45 «Вазият». 19.00 «Нироти аниқ уй». Телетанлов. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Зиё сарчамаси». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси куларининг тантанали очилиши. «Туркистон» саройидан олиб курсатилади. 22.20 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати 1/8 финал. 23.55 «Ахборот». 00.20-00.25 Ватан тимиоллари. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ериптош». Мультфильм. 18.25 Еввойи хайвотот олами. 19.05 «Онагини». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Муסיқий мезмоннома». 20.15 «Болливудга нигоҳ». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Вьетнамга мактублар». Телесериял. 21.45 «Даракчи». 21.55 Спорт-қитъаси. 22.15 «Кундалик».



8.40 «Эй тонги сабо». Концерт. 9.05 Болалар учун. «Она тилим — жону дилим». 9.20 «Шарҳ таботати». 9.40 «Ракс, ракс, ракс». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Қишлоқ хайти». 10.30 Абитурientлар, сизлар учун! Биология. 11.00 Янги алифбон ўрганамиз. 11.30 Абитурientлар, сизлар учун! Физика. 12.05 «Кетмас давлат берсин». 12.30 Кундузи санас. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 2-серия. «Грав Монте-Кристо». 13.35 «Сога солдим Алломишони». 14.10-14.40 «Қараёни». Тележурнал. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Кўнгирокча». 18.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 18.45 «Дуня адабияти». Софол. 19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ўлма-юз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 Парламент соати. 21.20 Мен нечун севаман Ўзбекистонни. «Туғилган ёр». 1-қисм. 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустиқлигининг 7 йиллигига Эстрада кўшиқлари телетанлови. Экранда — Сўрхондарё вилояти. 23.10 «Ахборот». 23.35 «Сомон йули». 00.35-00.40 Ватан тимиоллари. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Аралаш ва қураш». Болалар учун дастур. 18.5 «2000 йилдан сўнг». Телесериял. 18.55 «Катта танаффус». Телеуйин. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бир жуфт қишлоқ». 20.05 «Табобат оламида» (рус тилида). 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иймон». 21.25 Миразиз Мухамедов қуйлайди. 21.55 «Даракчи» (рус тилида). 22.05 Оханглар ва эълонлар. 22.25 «Силлавий экран». 24.00 Тунингиз хайри бўлсин! 17.15 Янгиликлар. 6.30 — 8.00 Россия жамоат телевидениеси курсатувлари. 20.40 «Номаълум Бухоро». Телефильм. 21.00 РДТ. «Вести». 21.30 «Болалик хизмат». 21.50 Эълонлар. 21.55 Роберт де Ниро «Қулги кириои» фильмида. 23.15-23.55 «Ахборот» (рус тилида). 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 18.55 «Сен ҳақидада ва сен учун». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 19.35 «Уйингоҳ». 20.45 «Солик ҳақида сабоқлар». 21.00 «Олтин қали» лотореясининг биринчи тираж ўйналари. 21.15, 22.35 Эълонлар. 21.20 «Муҳаббат тарихи». Телесериял. 22.05 «Медицина — сизлар учун». 22.25 Телефакт. 22.40 «Кувноқ кино». 24.00-00.10 «Хайри тун!».

ЖУМА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Ўзбектелефилм» намойиш этади. «Шаҳрим қамол ва жамоли». Премьера. 8.55 «Ўзма-юз». 9.15 «Гул бирён, чаман бирён». Муסיқий дастур. 9.40 «Ҳаёт чашмалари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Табат ва тақбир». 10.30 Абитурientлар, сизлар учун! Кимё. 11.00 Немис тили. 11.30 «Инсон ва қонунга ҳатлар. 12.05 Кундузи санас. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 3-серия. «Илтиқом». 13.40 «Шоирлар — болаларга». 14.10 «Муҳаббатим қалб ардоғида». Кинокурсатув. 14.35-14.50 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Қизилтар хазинаси». 18.25 «Тилга эътибор». 18.45 «Бозор рақобати — сифат қафол». 19.05 «Этти иклин садоси». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Омонлик тилаймиз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Оперя санъати колдулари». Мўяс-сар Раъзоқова. 21.30 Мен нечун севаман Ўзбекистонни. «Қорақаллоқ қиссаси». 2-қисм. 22.00 «Ўйроқ қулар». Кинокурсатув. 22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 24.00 «Ахборот». 00.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеодофилм. 18-қў. 01.05-01.10 Ватан тимиоллари. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ериптош». Мультфильм. 18.25 «Ўйна, болажон, ўйна».

18.45 «Экранда — Давид Копперфилд». 19.05 «Хўсуийлайтириш: қадим-бақадм». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Сўз ва соз оҳанглари». Тожикистон халқ артисти Маъруфжўжа Бақодиров. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Дўбляж». 21.20 «Вьетнамга мактублар». Телесериял (хўргити серия). 22.05 Бокс. Бокс. Бокс. 22.25 «Даракчи». 22.35 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 23.15 «Гинес-шўу». 23.45 Оханглар ва эълонлар. 23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайри бўлсин! 17.15 Янгиликлар. 17.00 Болалар учун «Бинафша». 6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси курсатувлари. 20.40 «Муסיқа хамма учун». Муסיқий дастур. 21.00 РДТ. «Вести». 21.30 Эълонлар. 21.35 Оскар совриндорлари: «Чакмоқли давон». (1939 йил). Бадий фильм. 23.15-23.45 «Ахборот» (рус тилида). 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 Авторейд. 20.45 «Далил ва шарҳ». 21.00 «Слектакдан туринг». 21.20, 22.25 Эълонлар. 21.25 «Муҳаббат сўхри». Телесериял. 22.10 «Хит коллекция». 22.30 Киносалон. 23.50-24.00 «Хайри тун!». 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодас-тур. 10.00 «Ешлар» телеканал. 1. «Ватанимга хизмат қиламан». 2. «Талабхил йилларим». 3. «Учинчи эхтимол». 4. «Дармоҳ». 5. «Ешлар ва эстрада». 12.30 «Езучи ва замин». 12.45 «Кувноқ старлар». Телемусоҳа. 13.35 «Қолиқуши». Этти қисми бадий фильм. 5-6 қисмлар. 15.25-15.55 «Нурди келажак». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.25 «Ўзбектелефилм» намойиш этади: «Дилга янги қишлоқ». Фильм-концерт премьераси. 19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Оламга сабаҳат». Кинокурсатув. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбек телевидениеси курсатувлари». 21.15 «Якҳон оқшомида». Муסיқий-табобат олиш дастури. 21.40 Телевизион миниатюралар театри. 21.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 22.50 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс. «Асп мўъжизаси» кинодастур. 24.00 Кино янгиликлари. 00.15 «Тақдир ҳўсиқлари». Бадий фильм. 1-2-сериялар. 01.05-01.55 Ватан тимиоллари. 17.55 Курсатувлар дастури. 8.00 «Ўйна, болажон, ўйна!». 8.20 «Қалдирғон». Қисқа метражли теле-визион бадий фильм. 9.00 «Бизнес академия». 9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 9.55 «Доине Велле» тақдим этади... 10.15 «Лажош». Телесериял. 11.05 Эстрада тароналари. 11.25 Болалар учун экран. 12.50 «Франция-98». 13.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-лари». Телесериял. 14.25 Курсатувлар дастури. «ЯКШАНБАДА ЯҚШИ ДАМ» ДАСТУРИ 14.35 Саргузашт фильмлар дастури. 14.40 Хўржиқ астрада. «Pink Floyd». 15.00 «Санта-Барбара». Телесериял. 15.45 «Бари ҳазил». 15.55 «Изоҳ». 16.15 «Хўсулар». Хўжжатли телесериял. 16.45 «Мурты панорама». 17.15 «Санта-Барбара». Телесериял. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бўш ўтира». 18.35 «Синфдош». 18.55 «Нафосат». 19.05 Келгуси ҳафтада. 19.25 Саргузашт фильмлар дастури. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Кенга — кенг дунё». 20.20 Оханглар ва эълонлар. 20.30 «Тахлилнома». 21.10 «Далил ва шарҳ». Телесериял. 22.00 «Даракчи». 22.10 «Қалб таронаси». 22.35 Киноингоҳ. «Лос-Анжелес сирлари». 1-қисм. 23.25 Жаҳон халқлари эстрада. 24.00 Тунингиз хайри бўлсин! 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 «Мультмоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз». Нотюр. Болаларнинг III Халқаро семинарида бағишланган. 21.05, 22.35 — Эълонлар. 21.10 «Қобра». Телесериял. 21.50 «Бугунги кун мавзуси». 22.05 «Жаҳон киноси янгиликлари». 22.40 Киносалон. 00.40-00.50 «Хайри тун!».

(Тожиктондан гапирамиз ва курсатимиз) теледастуридан олинди.

17.45 Дастуринг очилиши. Эълонлар. 17.50-20.35 Россия жамоат телевидениеси курсатувлари. 18.25 «Теле-шофокор». 20.50 «Афрон рўбоби оҳанглари». Фильм-концерт. 21.20 «Минг бир кеча». 21.50 Эълонлар. 21.55-23.25 «Сайёҳлар эрмағи». Бадий фильм. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 Курсатувлар тартиби. 18.50 «Мультмоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 Авторейд. 20.45 «Далил ва шарҳ». 21.00 «Слектакдан туринг». 21.20, 22.25 Эълонлар. 21.25 «Муҳаббат сўхри». Телесериял. 22.10 «Хит коллекция». 22.30 Киносалон. 23.50-24.00 «Хайри тун!».

ЯКШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.25 «Ахборот». 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодас-тур. 10.00 «Ешлар» телеканал. 1. «Ватанимга хизмат қиламан». 2. «Талабхил йилларим». 3. «Учинчи эхтимол». 4. «Дармоҳ». 5. «Ешлар ва эстрада». 12.30 «Езучи ва замин». 12.45 «Кувноқ старлар». Телемусоҳа. 13.35 «Қолиқуши». Этти қисми бадий фильм. 5-6 қисмлар. 15.25-15.55 «Нурди келажак». 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.25 «Ўзбектелефилм» намойиш этади: «Дилга янги қишлоқ». Фильм-концерт премьераси. 19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Оламга сабаҳат». Кинокурсатув. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбек телевидениеси курсатувлари». 21.15 «Якҳон оқшомида». Муסיқий-табобат олиш дастури. 21.40 Телевизион миниатюралар театри. 21.55 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 22.50 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс. «Асп мўъжизаси» кинодастур. 24.00 Кино янгиликлари. 00.15 «Тақдир ҳўсиқлари». Бадий фильм. 1-2-сериялар. 01.05-01.55 Ватан тимиоллари. 17.55 Курсатувлар дастури. 8.00 «Ўйна, болажон, ўйна!». 8.20 «Қалдирғон». Қисқа метражли теле-визион бадий фильм. 9.00 «Бизнес академия». 9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 9.55 «Доине Велле» тақдим этади... 10.15 «Лажош». Телесериял. 11.05 Эстрада тароналари. 11.25 Болалар учун экран. 12.50 «Франция-98». 13.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-лари». Телесериял. 14.25 Курсатувлар дастури. «ЯКШАНБАДА ЯҚШИ ДАМ» ДАСТУРИ 14.35 Саргузашт фильмлар дастури. 14.40 Хўржиқ астрада. «Pink Floyd». 15.00 «Санта-Барбара». Телесериял. 15.45 «Бари ҳазил». 15.55 «Изоҳ». 16.15 «Хўсулар». Хўжжатли телесериял. 16.45 «Мурты панорама». 17.15 «Санта-Барбара». Телесериял. 18.00 Курсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бўш ўтира». 18.35 «Синфдош». 18.55 «Нафосат». 19.05 Келгуси ҳафтада. 19.25 Саргузашт фильмлар дастури. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Кенга — кенг дунё». 20.20 Оханглар ва эълонлар. 20.30 «Тахлилнома». 21.10 «Далил ва шарҳ». Телесериял. 22.00 «Даракчи». 22.10 «Қалб таронаси». 22.35 Киноингоҳ. «Лос-Анжелес сирлари». 1-қисм. 23.25 Жаҳон халқлари эстрада. 24.00 Тунингиз хайри бўлсин! 17.10-18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари. 18.45 «Мультмоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз». Нотюр. Болаларнинг III Халқаро семинарида бағишланган. 21.05, 22.35 — Эълонлар. 21.10 «Қобра». Телесериял. 21.50 «Бугунги кун мавзуси». 22.05 «Жаҳон киноси янгиликлари». 22.40 Киносалон. 00.40-00.50 «Хайри тун!».